

САФО МУҒАННИЙ

Сафо Оллоберганов 1882 йил Хива хонлигига қарашли Гандумикон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида таваллуд топган. Сафо эндигина 2 ёшга кирганида отаси вафот этиб, етим қолади. Қариндошлари унга ота мерос қолган ярим таноб ерини ҳам сотиб, отасининг маракаларига ишлатишади. Сафо Оллоберганов 8 ёшгача ўғай



отасининг қўлида тарбият топади ва шундан сўнг гандумконлик Абдулла Ёқубов исмли бадавлат инсоннинг уйида югурдак бўлиб хизмат қила бошлайди. Сафо Оллоберганов болалик йиллариданоқ ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги ва зийраклиги билан ўзи қатори болалардан ажралиб турар эди. У яна бир гандумконлик маърифатпарвар инсон Соҳиб Назарбой хонадонига хизматга киради. Сафо бу хонадонда саводини чиқариб, созандалик сирларини ўрганади. Моҳир созанда ва бетакрор овоз соҳиби сифатида Сафо Оллобергановнинг номи узоқ яқин ерларга танила боради.

Феруз саройига Сафо Муғаннийни олиб келган ва унга ҳомийлик қилган инсон хонликнинг энг мўътабар зодларидан Вазири акбар Исломуҳўжа эди. У Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида кўзга кўринган созандаларидан танбур, дутор ва бошқа миллий мусиқа созларида куй чалиш маҳоратини ва бастакорлик сирларини мукаммал даражада ўзлаштирди. Санъат ва шеърят илмини ўрганиб, Хоразм шоирларининг, шунингдек, ўзининг ёзган шеърларига куйлар басталаб ижро этди. Вазири акбар Исломуҳўжа шаҳид қилинганидан сўнг Сафо Муғанний унинг яқин кишиси ва Асфандиёрхоннинг ҳурматли мулозимларидан бўлган Юнус Ясовулбошининг ҳомийлигида иш олиб боради. Сафо Муғанний нафақат санъат маданият ходими, балки жамиятни ислоҳ қилиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, оврўпо маданияти ютуқларини жорий қилиш тарафдори. У “Ёш хиваликлар”нинг фаол аъзоларидан бири эди.

Сафо Муғанний хонлик ағдарилиши билан тараққийпарвар инсон сифатида инқилобни қўллаб-қувватлади. У инқилобдан асрий калоқлик ва жаҳолатдан қутулиш учун буюк бир имконият деб умидвор бўлди. 1920 йил баҳоридан большевик Қизил аскарлар орасига хизматга кирди. 1921 йил 6

март куни Сафо Муғаннийни Полвонниёз хожи Юсупов тантанали тарзда компартия аъзолигига қабул килди. Бироқ, орадан кўп ўтмай Сафо Муғанний ҳам бошқа “Ёш хиваликлар”



сафдошлари қаторида қаттиқ янглишганларини англаб етди. Хоразмда ўзининг ҳокимиятини мустаҳкамлаб олганига ишонч ҳосил қилган большевиклар энди воҳада ўзи истаган сиёсатни юрита бошлайди. Шўро ҳукуматига қарши турган ҳар қандай инсонни йўқ қилиб ташлай бошлади. Улар ҳокимиятни тўлиқ қўлга киритиш мақсадида турли фитна фасодларни авж олдиради. Туркман, қорақалпоқ каби азалий қардош халқлар билан низоларни авж олдирилди. Бу йўлда қон дарё бўлиб оқа бошлади. Алалоқибат ҳар бир ишнинг сўнгида большевиклар ғалабаси таъминлана бошлади. Табиийки халқ турмуш тарзи ниҳоятда оғирлашиб борди. Натижада аҳолининг ўртасида даҳшатли кўрқув муҳити вужудга келтирилди. Шундай шароитда Сафо Муғанний 1921-22 йилларда ХХСР маориф нозирлигида маданият бошқармаси бошлиғи, бир муддат Хазорасп тумани партия қўмитаси котиби (райком) лавозимларида иш олиб борди. Шунингдек, 1925-26 йиллада Хоразм округ ер шўъбасининг раиси бўлиб, воҳада шўро ер-сув ислохотларини ўтказиш ишларига бош-қош бўлди. Шу йилларда одамларга шахсий намуна кўрсатиб ўзининг Гандумқон

кишлоғидаги 9,5 таноб еридан давлат ҳисобига воз кечади. 1927-28 йилларда эса Урганч тумани ижроия кўмитаси раиси бўлди. Бу йилларда Сафо Муғанний Хоразм диёрининг фидойи ватанпарвар фарзандларидан бири сифатида ҳар бир сиёсий тадбирнинг бошида турди. Ҳукумат ишини халқ, манфаатлари билан уйғунликда олиб борди. Унинг эл-юрт ўртасидаги юқори обрў-эътибори баъзи совет маъмурларининг ҳасадига сабаб бўлди. 1929 йил компартиянинг навбатдаги “тозалаш”(чистка) ида Сафо Муғаннийнинг масаласи ўрин олди. 1920-29 йиллар давомида компартия сафида беминнат хизмат қилган инсонга инқилобдан аввалги хон саройида хизмат қилгани асосий айб сифатида тақалади. Унинг масаласини муҳокама қилган инсонлар Сафо Муғанний хизматидан иллат қидиришга киришиб кетадилар. Мажлис якунига кўра у ҳукумат ишида ишламаслик шарти билан партия сафидан ҳайдалади. Сафо Муғанний шундан сўнг совет идораларида ишлашдан бутунлай воз кечиб, ўзининг қолган ҳаётини санъатга бағишлашга қарор қилади. У 1929-37 йилларда Хоразм округ театрида режиссёр ва айна пайтда 1935-37 йилларда ўқитувчилик вазифаси билан шуғулланган. Дарҳақиқат Сафо Муғанний ўта ғайратли ва иқтидорли инсон эди. Ундан “6 март”, “Хуш келдингиз Хоразмга” каби кўплаб кўшиқлар ва шеърлар қолган. Унинг бизга қадар етиб келган шеърларида маърифатни улуғлаш, Хоразм ахлининг нурли келажагига умид, ёшларни миллат ва ватан бахт-саодати йўлида ишлашга даъват оҳанглари устуворлик қилади.

Сафо Муғаннийнинг ўзи ёзган шеър:

Хоразмни фарзандлари,

Уйғонинглар, уйғонинглар.

Боғда очилган гуллари,

Уйғонинглар, уйғонинглар.

Уйғонган халқ роҳат яшар,

Ухлаб қолсанг душман босар,

Пишган ошинг бошқа ошар,

Уйғонинглар, уйғонинглар.

Қилманг Муғаннийга итоб,
Миллат учун чексанг азоб,
Хоразм ёшларина хитоб,
Уйғонинглар, уйғонинглар.

Сафо Муғаннийга 1936 йил “Меҳнат Қаҳрамони” ордени топширилди. Айрим манбаларга қараганда, Ҳамзанинг “Саодат” музыкали драмасига куй басталаган. Сафо Муғаннийни яна бир Хоразм булбули Мадраҳим Шерозий билан қиёслашадилар. Аслида Сафо Муғанний Шерозийга нисбатан ўз ижодий фаолиятини анча илгари бошлаган ва анча машҳур шахс эди. Қолаверса уларнинг ижод йўналишлари ҳам бир биридан кўп жиҳатдан фарк қилар эди.

1937 йил. Шўролар тарихида “Катта қирғин” номи билан муҳрланган машъум сана. 1937 йил 27 август куни Хоразм воҳасининг бошқа кўплаб азиз фарзандлари қаторида Сафо Муғаннийни ҳам қамоққа олиш тўғрисида ордер битилди. Эртаси 28 август куни у яшаган Урганч шаҳри, II корпус, 16-хонадонда тинтув ўтказилиб беназир санъаткорга тегишли барча моддий ва маънавий бойликлар хатланиб олиб кетилди. Унинг 28 август 1937 йил санаси билан тўлдирилган анкетасига биноан Сафо Муғаннийнинг оиласи турмуш ўртоғи Хожар Ҳусайиннова, қизлари Пошшо (16 ёш) ва Роза Сафоевалар(10 ёш), ўғиллари бу вақтда давлат театрида актёр бўлган 26 ёшли Оллоберган Сафоев ва бор йўғи 1 ойлик бўлган Кенжалардан иборат деб кўрсатилган.

1937 йил 28 август куни илк сўроқда терговчининг саволларига Сафо Муғанний: мен 1920-29 йиллар давомида компартия сафида бўлдим, ҳеч қачон аксилинқилобий кайфиятда бўлмадим, “Озод Туркистон” номли аксилинқилобий ташкилотни эшитган эмасман деб жавоб беради. Шундан сўнг қанча сўроқ савол бўлмасин Сафо Муғанний ҳеч бир кишига бўҳтон тошини отмади. Ҳеч бир айби ёзилган қоғозга имзо чекмади. Бироқ, унинг бу қатъияти совет жазо ташкилоти томонидан инобатга олинмади. Аксинча, 1937 йил октябрь ойи санаси билан Хоразм воҳасида гўёки 1. Худойберган

Девон 2. Сафо Муғанний Оллоберган (созанда, Урганч давлат труппасида) 3. Исмоилов Комил Девоний (созанда) 4. Бекжонов Турди кори (Урганч туман ер-сув бўлими) 5. Асқаров Абдуқодир (Урганч, туман савдо раиси) 6. Матжонов Пўлот (электр станция мудир) 7. Абдалов Муҳаммаджон 8. Харратов Матёқуб Девон (хонанда) 9. Маҳмудов Аҳмад (Урганч театр маъмури)лардан иборат аксилинқилобий ташкилот фош этилганлигини тўғрисида қарор тасдиқланди. Шундан сўнг кўп ўтмай Сафо Муғаннийнинг аксилинқилобий ташкилот аъзоси эканлиги тўғрисида айблов баённомаси ҳам тасдиқланди. Ҳатто, 1937 йил 28 ноябрь куни Хоразм ИИХК қошидаги машъум “учлик” унинг иштирокисиз Сафо Муғаннийни ЎзССР ЖК 66-моддаси, 1-банди билан айблаб 10 йил МТЛ жозасини бериб юборади.

1939 йил 26 май санаси билан Сирдарё вилояти, I Малик совхозининг №196474 рақамли махбуси Сафо Муғанний ЎзССР Олий Совети президиуми раиси Й.Охунбобоев номига ариза йўллайди. Унда ўзининг аччиқ ўтмиши ва меҳнатда кечган болалигини, аввал хон саройида сўнг ХХР ҳукумати таркибида кечган йилларини эл-халқ манфаатлари йўлида кураши тарихини баён қилади. Ўзининг умуман кутилмаган бир шароитда қамоққа олингани ва терговнинг ноҳақ ва ноҳолис суратда амалга оширилгани ҳақида ёзади. Жумладан, 1937 йил 28 ноябрь куни Консиров деган киши савол-сўроқ қилиб, унинг қачонлардир “Миллий иттиҳод” ташкилотида бўлгани, Файзулла Хўжаев, Қайғусиз Атобоевлар қамоққа олинганида норози бўлгани ҳақида сўйлай бошлагани, ҳатто, 1935 йил Тамарахоним билан пластинкага ёзилган кўшиқларини ҳам аксилинқилобий деб баҳолашганини ёзади. Шундан сўнг ўзи ҳақида “... мана 22 ойдан буён қамоқдаман на бир исбот тақдим этишди, на бир юзлаштириш бўлди,” дейди. Ўзининг суди ҳақида ҳам 1939 йил 18 февраль куни Малик савхозида ишлаб юрганида эшитгани ва уни аллақачон аксилинқилобчи сифатида 10 йил МТЛга ҳукм этишганларини эшитгани ёзади. У ҳукумат раҳбаридан эгасиз қолган гўдак фарзанди учун ҳам ишини қайта кўришларини ва адолатнинг қарор топишида ёрдам беришларини ўтинади. Ҳозир икки кўзим ҳам кўрмай қолган. Сизни

ишонтириб айтаман қўйилаётган айбловларнинг ҳаммаси менга тухмат, бу тухматлардан кутулишимда ёрдам беринг” деб ўтинади.

1940 йил 4 май санаси билан яна ЎзССР раҳбарларига ўз бошидан кечираётган ноҳақликлар ҳақида ёзади. Албатта, бу хатлар эгаларига етиб бормасдан ишга тикиб юборилди. Афтидан ёзилган хатларининг айримлари Ўзбекистон раҳбарларининг бирига етиб борган. Боиси Хоразмнинг энг таниқли инсонларидан бўлган Сафо Муғаннийни танимайдиган инсоннинг ўзи йўқ эди. Ҳарқалай Сафо Муғаннийнинг иши бўйича қайта суриштирув ҳам ўтказилди. Жумладан, Урганч шаҳри, Энгельс кўчаси 62-уйда яшаган Панияз Давлатов (1905) 1940 йил 24 октябрь куни сўроқда: ... мен 1917-20 йиллар Сафо Муғаннийнинг гуруҳида хизмат қилганман. Аммо, унинг судхўр бўлганлигини ёки аксилинқилобий фаолиятига ҳақида эшитмаганман” деб гувоҳлик беради.

1940 йил 14 ноябрь куни қайта текширишлар давомида Сафо Муғаннийнинг бирор жинояти исботланмаганига қарамай уни “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси, аксилинқилобий шеърлар ёзиб, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев каби “ҳалқ душман”ларини мақтаган каби хулосалар асосида унинг аризаси рад этилади. 1941 йил 4 февралда Хоразм округ ИИХК қарори билан Сафо Муғаннийнинг аксилинқилобчи сифатида айби тўлиқ исботланган деб ҳукм ўз кучида қолдирилади.

Сафо Муғаннийнинг жазони ўтаган охирги ери ёхуд унинг сўнгги манзили ҳақида унинг иши асосида бирор бир аниқ гап айтиш қийин. Бироқ, 1941 йил 20 февраль санаси билан ишга тикилган маълумотнома Ярославл вилояти, Рибин тумани, Волжский МТЛдан №157678 рақамли махбус Сафо Муғанний ҳақида берилган.

1957 йил 25 ноябрь куни Сафо Муғаннийнинг кичик қизи, Урганч педагогика институти талабаси Роза Сафаева ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси Ш.Рашидовга аризасини “Отам Сафо Муғанний 1937 йил қамоққа олинганида 10 ёшда эдим. Онамиз ҳам орадан бир йил ўтмай вафот этди” деб бошлайди. У отасининг қамалиши сабабларини сўрайди ва

оқланишида ёрдам беришини илтимос қилади. Шундан сўнг ҳақиқий маънода қайта текширишлар бошлаб юборилди.

1958 йил 22 февраль куни қайта сўроқда Машарип Ризаев (1901): ... тўғри мен ўшанда бир нечта қоғозларни имзоладим. Бироқ, уларда нима ёзилганини билган эмасман. Менга ўқишга рухсат ҳам берган эмас. Мен Сафо Муғаннийни танирдим, лекин у даража яқин бўлмаганман” деди.

1958 йил 14 февраль Якубов Мадраҳим Шерозий (1890): “У инқилобгача ҳам буюк созанда ва қўшиқчи бўлиб танилган эди. Совет ҳукуматида ҳам хизматлари кўп бўлди. Мен терговда у ҳақида ҳеч қачон салбий фикр айтган эмасман. Умуман Сафо Муғанний аксилинқилобчи инсон эмасди. Мен фақат тўғри гапни айтганман, бироқ терговчининг ўзи нимани истаган бўлса ўшани ёзган экан. Терговчи айтганингизни ёздим, деди мен имзо чекдим. Мен рус тилида ёзилгани учун матнни тушунмаган эдим, дейди.

1958 йил 13 февраль куни Сафо Муғаннийнинг собиқ ҳамкорларидан созанда Матёқуб Атаджанов (1891) ҳам қайта сўроққа тортилади. Гувоҳларнинг барчаси Сафо Муғаннийга нисбатан ижобий фикрларни билдирадилар. Юқоридаги хулосаларга асосланган ҳолда Хоразм вилоят суди 1958 йил 19 апрель куни Сафо Муғанний ишини кўриб, уни оқлаб чиқади.

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова.Хоразм вилояти Хотира китоби (121-128 бет).